

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «Тоза ҳудуд» ДУК бундан буён «Хизмат курсатувчи» деб юритилади, унинг номидан раҳбар Б.Расулов бир томондан ва Баликчи ХТБ номидан унинг раҳбари Н.Хакимова иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади, қуйидаги мазмунда шартнома туздиқ:

1. Шартнома предмети.

1.1 «Хизмат курсатувчи»

Т/ №	Хизмат тури	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Ахлат ташини (кагтик)	МЗ	163	36600	5965800
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
	Жами	х	х	х	5965800

Шартноманинг умумий суммаси: 5965800 (Беш миллион туккиз юз олтимиш беш минг саккиз юз) сум

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб – китоб тартиби.

2.1. «Буюртмачи» хизматлари учун туловни «Хизмат курсатувчи»га пул-утказиш йули билан амалга оширилади.

2.2. «Буюртмачи» етказиб берилган хизмат умумий суммасининг 30 % миқдорда олдандан ҳақ тулайди.

3. Мулкий жавобгарлик.

3.1. Ушбу шартнома буйича Буюртмачининг мулкий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунига асосан белгиланади.

3.2. Хизматларни уз вақтида курсатмаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлиги учун қонунда ёки шартномада белгиланган хизмат ҳақи «Хизмат курсатувчи»дан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

4. Шартнома муддати.

4.1. Шартнома имзо қўйилиб, ҳудудий газначилиқ бўлинмасидан руйхатга олинган қундан бошлаб қучга киради ва «31»декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.1. Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотутри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

5.2. «Хизмат курсатувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ курсатилган хизматни қабул қилиш асосен рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Агар Хизмат курсатиш жараёнида «Хизмат курсатувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 қун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

5.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёки учунчи шахслар томонидан тугриланшини ҳаражатларини қопланиши талаб қилишга;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Хизмат курсатувчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Хизмат курсатувчи хизматларни бажаришда шартнома шартларини бузганда, яъни хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юборса, туздиқ етказиб бермаса, кечиктирилган ҳар бир қун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди. Лекин тулайдиган пеня умумий суммаси етказиб берилмаган хизматларни умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

6.2. Хизмат курсатувчи томонидан курсатилган хизматларига онд тулов ва хизматлар курсатилганлиги тугриендаги бошқа хужжатлар уз вақтида, яъни хизматлар билан бирга ташкилотга тақдим этилмаса, ҳар бир ҳолат учун етказиб берилмаган хизматлар қийматининг 1 фоизи миқдорда жарима тулайди.

6.3. Хизмат курсатувчи томонидан хизматлар уз вақтида ва белгиланган талаблар асосида бажарилганда ташкилот уларни асосен равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган хизматларнинг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган маҳсулотлар буйича эса 10 фоизи миқдорда жарима тулайди.

6.4. Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

Курсатилган хизматлар учун ташкилот томонидан уз вақтида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 2.2- бўлими бузилганда, тулов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тулайди. Лекин туланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

6.5 Агар курсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонуни ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳақида уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат курсатувчидан сифати, ассортимент ва нави лўзим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7. Низоларни ҳал этиш тартиблари

7.1. Келишимчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустакил равишда улар судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8. Форс – мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Бошқа шартлар.

9.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

9.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

9.3. Барча узгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

9.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Хизмат курсатувчи» да иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари:

«Хизмат курсатувчи»
«Тоза ҳудуд» ДУК
(етказиб берувчи номи)

«Буюртмачи»
Балиқчи туман ХТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: Балиқчи тумани Марказ МФЙ

Адрес: Балиқчи тумани шох куча

Тел./факс +998 93 250 2005
к/р 20210000000781763002
Банк номи АТБ Агро банк Балиқчи филиали
МФО: 00066 ИНН 304937910
ОКОНХ: 81290
Раҳбар: Б. Раевдов

Тел./факс 74 323 18 02
ш/х* 100022860032067092100075069
ИНН 206933474
ОКОНХ 92310
Молия вазирлиги ягона Газна ҳисоб ва рағи
Газна к/р: 23402000300100001010
001122919 МФО: 00014



Раҳбар: Н. Ҳақимова

Юрист ҳулласи: Шартнома Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик қиртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунинг ҳамда Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисоблайман.

Юрист: _____ (имзо) _____ (ф.и.ш.)
Лицензия рақами: _____

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ KE13150432

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Baliqchi tuman XTB tomonidan 05.01.2022-yilda yuborilgan.

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yilning 5-yanvar kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman XTB tomonidan Baliqchi tuman XTB bilan tuman "Toza hudud" DUK o'rtasida tuzilgan chiqindi tashish bo'yicha haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

"Xizmatk o'rsatuvchi" "To'za hudud" DUK nomidan ish yurituvchi rahbar E.Malikov va "Buyurtmachi" ikkinchi tomondan Baliqchi tuman xalq ta'limi bo'limi nomidan harakat kiluvchi rahbari N.Xakimova tomonidan qattiq chiqindilarni tashish bo'yicha haq evaziga xizmat ko'rsatish haqida ikki tomon kelishgan holda shartnomaga tuzishga kelishilgan.

O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni 61-moddasida *summasi bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining ellik baravari miqdoridan oshmaydigan (byudjet buyurtmachilari uchun bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh baravari miqdoridan oshmaydigan) tanlash xarid komissiyasining ishtirokisiz o'tkazilishi mumkin, biroq bir moliya yilida bir korporativ buyurtmachi uchun bazaviy hisoblash miqdorining bir ming baravari miqdoridagi summadan ko'p bo'lmasligi va bir moliya yilida bir byudjet buyurtmachisi uchun bazaviy hisoblash miqdorining besh yuz baravari miqdoridan oshmasligi kerak. Bunda g'olib davlat buyurtmachisi tomonidan tanlash o'tkazilishi to'g'risidagi e'lonni joylashtirmasdan, ochiq axborot manbalaridan olingan narxlarni solishtirish yo'li bilan yoki tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) potensial yetkazib beruvchilaridan narxlarni so'rash yo'li bilan aniqlanadi* deb belgilangan.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 703-moddasida *haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi bo'yicha ijrochi*

buyurtmachining topshirig'i bilan ashyoviy shaklda bo'lmagan xizmatni bajarish (muayyan harakatlarni qilish yoki muayyan faoliyatni amalga oshirish), buyurtmachi esa bu xizmat uchun haq to'lash majburiyatini oladi, deb belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman XTB tomonidan Baliqchi tuman XTB bilan tuman "Toza hudud" DUK o'rtasida tuzilgan chiqindi tashish bo'yicha haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni hamda Fuqorolik Kodeksining 26-bob Shartnoma tushunchasi va shartlari talablariga, 38-bob Haq evaziga xizmat ko'rsatish talablariga va ikki tomon roziligiga asoslangan holda kelishilganligi inobatga olinsin.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

06.01.2022

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti:



J.Nazarov